

# ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягона,  
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштари!

# ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

[www.istiqbolyuli.uz](http://www.istiqbolyuli.uz)

[istiqbol.43@mail.uz](mailto:istiqbol.43@mail.uz)

2023 йил 19 октябр № 40 (8482)

## Муҳим аҳборотлар

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
Хитой Халқ Республикаси Раиси  
Си Цзиньпиннинг тақлиғига  
биноан амалий ташриф билан  
ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ташриф дастурига мувофиқ,  
давлатимиз раҳбари Пекин  
шахрида "Бир макон, бир ўй"  
учинчи халқаро форумида  
иштирок этади. Шунингдек,  
ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Хитой  
Халқ сиёсий маслаҳат кенгаси  
раиси Ван Хунин билан музокаралар,  
бошқа иккى томонлама  
учрашувлар ўтказиш режислаштирилан.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октября қуни Хитойга амалий ташриф доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Во Ван Тхионг билан учрашиди.

\*\*\*

Ўзбекистон 2030 йилга бориб хорижлик сайдечлар сонини ийлига 15 миллионга етказади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқандда Бутунқишлоғи 20-сессияси очилишида маълум қилди, дейилади Қозогистонинг "Казинформ" агентлиги эълон қилган мақолада.

### "ПАХТА ШАБИ"

### ХАБАР ҚИЛАДИ



Туманимиз пахтакорлари кластер хирмонига 24 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат ҳом ашёси топшириб, контрактация шартномасини бажардилар. Бу, чигит экилган минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,7 центнердан хирмон қўтарилди, ҳосилдорлик ўтган ийладигидан 2 центнерга юқори бўлди, демакдир.

Далаларда сўнгги ҳосилни ўтишишириб олиш давом этимоқда.

УШБУ

2

Туманимиз пахтакорларининг катта ғалабаси

СОНДА:

\* Машақатнинг «меваси» ширин бўлади

Мамлакатимизда 25 октябрдан 1 декабргача муддат кузги ниҳол экиш мавсуми деб эълон қилинди

## ХОНАДОН, МАҲАЛЛА, МЕҲНАТХОНАЛАРИМИЗНИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Туман маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакилларининг барча қўштепаликларга мурожаати

### АЗИЗ ҚЎШТЕПАЛИКЛАР!

Муҳтарам Президентимизнинг алоҳида эътиборлари ҳамда ташаббуслари билан мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини кўкаламзорлаштириш, дараҳт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

"Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшashi керак" деган ғояни илгари сурган Давлатимиз раҳбари, табиатга эътибор беришни, бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш олиб боришини, ёш авлод қалбida она табиатга дахлдорлик ҳиссина тарбиялашни таъкидлаб келмоқдалар.

Иккى йил аввал юртимизда бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги сайдечлар мақсадини кўзлаб, майдонга чиқкан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 октябрда ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим тақлифлар билдириб, устувор вазифаларни белгилаб бердилар. Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда "кузги дараҳт экиш мавсуми" эълон қилинди.

Жорий йилнинг баҳор мавсумида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида туманимиз бўйлаб жами 550 минг дона манзарали ва мевали кўчатлар ҳамда қаламчалар экилган бўлса, куз мавсумида б турдаги 386 минг дона манзарали, мевали дараҳт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экиш белгиланган.

Қўштепаликлар азалдан дехқончилиқда миришкор саналган. Она замин ва табиатни қадрлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ҳамда боғу-бўстон яратиб, шириндан-шакар мева ва сабзавотлар етишириш билимлари бизга ажодларимиздан ўтиб келаётган меросдир. Қўштепанинг ҳеч бир кўчаси, ҳеч бир хонадони йўқи, у ерда дов-дараҳтлар, мевали ва манзарали кўчатлар, сабзавот экинлари парваришилмаётган бўлса. Ҳамқишлоқларимиз ер билан тиллашиб, экин билан гаплашиб, қаҷон қандай дехқончилик қилиш керак, қайси ниҳолга қанақа парвариш зарурлигини жуда яхши биладилар.

Барча қўштепаликларни "Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!" деган олижаноб



ғояни қўллаб-қувватлашга, бу умуммиллий ҳаракатнинг натижасини ҳар бир хонадон ва маҳаллада кўрсатиб, бу ишда қалб амри билан иштирок этишга чақирамиз. Барчамиз бир ёқадан бош чиқарип, фидойилик билан ҳаракат қилсан, энг аввало Президентимиз бошланган эзгу ташаббусни туманимизда намунали қилиб бажариш асносида юртимизнинг мусаффо ҳавосига, экологик тозалигига, озиқ-овқат ҳавфисизлигига, ҳалқимизнинг кайфиятини кутаришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Бунда Сиз, барча даражадаги раҳбарлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, она заминимизнинг, тоза ҳаво ва экологик мувозанатнинг қадрини ҳаммадан ҳам яхши биладиган, кўпни кўрган нуронийлар, санъаткор ва спортчилар, журналист ва блогерларни эзгу мақсад иўлида бошланган ҳаракатда фаол иштирок этиш билан, таъсиричан сўз курдати-ла қиладиган даъватининг орқали алоҳида ўрнак кўрсатишинизга ишонамиз.

### ҚАДРЛИ МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, КУЧАБОШИ ВА МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ!

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дараҳт экилмаган жойлар бор. Бир қарич ер ҳам бизга Аллоҳ томонидан берилган энг улуғ неъмат. Унинг бўш туриб қолиши исроф қилиш билан баробардир. Шундай экан, кафтдек ер ҳам бўш туриб қолишига йўл қўймайлик. Она заминимизнинг ҳар қаричини боғ-роғларга айлантиришда маҳалла ахлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, худуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайти-

ришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада "маҳалла боғлари"-ни яратишимиш, яшил худудларни кўпайтишишимиз, шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришилаш ва сақлашда маҳалла фаоллари, барча масъуллар жонбозлик кўрсатиши лозим. Бунинг учун "маҳалла етилиги", кучабоши ва маҳалла оқсоқоллари ҳамда хонадон эгаларининг жонбозлиги, ташкилотчилиги жуда муҳимдир.

### МУХТАРАМ НУРОНИЙ ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАР!

Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилакларингиз ҳалқимиз учун ҳамиша катта таянч ва суюнч бўлиб келмоқда.

Туманимиздаги 19 мингга яқин нуронийлардан маҳаллаларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда, аҳоли томонидан кўчат экиш ишларини намунали ташкиллашда янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз. Сизларнинг шахсий намунангиз, бой тажрибангиз, панду-насиҳат, тавсия ва курсатмаларингиз биз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Нуронийларимизнинг ҳар бирни тупдан кўчат экса, 19 минг янги ниҳол экилиб, дараҳт пайдо бўлади. Ёки ҳар бирни ўз ёнига фарзанд-набираларини жалб қиласа, бу рақам бир неча баробарга ошади.

### МУЪЛАБАР ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Хонадонимиз, маҳалламиз файзу таровати сиз биландир! Табиат ҳам она каби мукаддас. Бежиз сизу биз яшаётган

Давоми З-бетда

УШБУ

2

Туманимиз пахтакорларининг катта ғалабаси

СОНДА:

\* Машақатнинг «меваси» ширин бўлади

3

\* Япониялик ҳамкорлар туманимизда

\* Kimlar оқитувчилликка qabul qilinadi?

4

Маънавият

\* Ҳадислар  
\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний

**Туманимиз пахтакорларининг катта ғалабаси**

Гарчи мамлакатимизда пахта яккаҳомлигига аллақачон барҳам берилган бўлса-да, бу хом ашёни етишириш енгил ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришинг асосий манбаи бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам барча қишлоқ туманларида пахта етишириши таомиллаштириш, ҳосилдорлигини ошириш, тизимга замонавий технологияларни олиб киришга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан пахтачиликка тараққиёт тақоғоси билан инновация—кластер тизиминг жорий этилгани соҳадаги оқсоқликка барҳам берди. Ўзини қисқа даврда оқлаган бу тизим ўзбекистонни дунёнинг етакчи хом ашё ба-засидан енгил саноати ривожланётган мамлакатлар қаторига олиб чиқмоқда. Демакки, пахтамиз мамлакатимизнинг миллий бойлиги, тараққиётимизнинг ажралмас қисми бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Пахтачилик дехқончиликнинг энг кўп меҳнат-машаққатни талаб қиласидан тармоғи ҳисобланишини барчамиз яхши биламиз. Яқин ўтмишда, тоқолоқдан тортиб, айниқса, пахта йиғим-терими жараёнларида ўқитувчи-ю шифокор, ўқувчи-ю талаба, нафақат қишлоқ ахли, балки бутун шаҳарликлар ҳам мажбурий меҳнатга сафарбар этиларди. Пахта етишириш учун йил—ўн иккى ой меҳнат қилган дехқон аксарият ҳолларда ғалвир сувдан кўтарилиганда қарчзор бўлиб қолган даврлар кўп бўлган.

Шукрки, соҳада амалга оширилган чуқур ислоҳотлар натижасида дехқоннинг кўксига ҳам офтоб тегди. Энг муҳими, ижтимоий соҳа вакиллари, болалар меҳнат жойларига, дарсхоналарига қайтарилди. Ер ўз эгасини топиб, кимёвий воситалардан хориган тупроқни соғломлаштиришга эътибор қаратилганди, инновация шарофатидан ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб, меҳнат унумдорлиги кескин қўтарилиди. Мана беш йилдирки, пахтакорларимиз "Fergana Global textile" МЧК кластери билан тузилган шартномадаги хом ашёни етказиб бериб, яхшигина даромад қилмоқдалар.

Саратор чилласидаги аномал иссиқни ҳисобга олмаганда, бу йил об-ҳаво дехқончилик, хусусан пахтачилик учун анча қулай келди, айниқса, ҳосил йиғим-терими даврида. Фермер хўжаликлари ва кластер ихтиёридаги 6890 гектар ер майдони ҳисобига қўштепалик пахтакорлар ўз аъзолари, маҳаллалардан чиқкан кўнгилли ҳашарчилар ёрдамида 24 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашёсини йиғишириб олиб, нафақат шартнома режаси, балки мажбуриятини ҳам зиёди билан ўринлатдилар. Бу, туман бўйича ҳар гектар ҳисобига 35,7 центнердан ҳосил етиширилди, ҳосилдорлик бултурги кўрсаткичдан 2 центнердан күпроқка ортиқ бўлди, демакдир. Пахта эккан 149 та фермер хўжалиги ва кластер бўлими аъзолари маррани шараф билан эгалладилар.

Бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Президентимизнинг шахсан талаб ва кўрсатмалари асосида кластернинг масъулият билан иш юритиши натижасида мавсум давомида талаб этилган маблағ

камхаражатлиги ҳамда сифатли териши билан жуда самарали ҳқанини яна бир карра исботлади. Йиғим-теримда кўл кучига эҳтиёж жуда катта бўлган бир даврда ишга туширилган бу имконият келгуси йилларда янада кенгайтирилишига умид қиласиз.

Пахтакорларимиз ниятга етиб турган дамларда йиғим-теримда улар билан ёнма-ён меҳнат қилган маҳаллалар ахлига алоҳида раҳматимизни айтамиз. Ўзбекнинг қадим

Бугун туманимиз пахтакорларининг юзи ёруғ бўлиб турган шу дамларда ер билан тиллашиб меҳнат қилган ва ҳосилдорликни гектарига 40 центнердан юқори даражага кўтара олган "Абдубаннопов Муҳаммаджон" номли, "Абдасхон ота" номли, "Аҳоржон Турдалиев" номли, "Хўмоюнмирзо тулпори" фермер хўжаликлари раҳбарлари, умуман, маррадан ўзид кетган барча фермер хўжаликлари жамоа аъзоларига ҳар қанча тасаннолар айтсан, арзиди. Юқорида айтганимдек, табаррук она заминимиз ҳеч қачон фидойилик билан қилинган меҳнатни мукофотсиз

## МАШАҚКАТНИНГ “МЕВАСИ” ШИРИН БЎЛАДИ

ва моддий ресурслар ўз вақтида ажратилиши ва дала бошига, меҳнат ахлига муддатида етказилиши муваффақиятларнинг омили бўлди, десам ҳакни айтган бўламан. Ерни экишга тайёрлашдан бошлаб ҳар гектар майдон ҳисобига маҳаллий ва минерал ўғитларнинг солинишини доимий назоратда тутгани, вегетация даврида ғузаларни озиқлантириш, маромида сугориш, қатор ораларига ишлов бериш ишлари отряд усулида ташкил этилгани айни мудда бўлди. Ўзга зааркунданалири ва касалликларига қарши кураш тадбирларига талаб этиладиган кимёвий воситалар захираси кластер томонидан мавсум бошидаёқ яратиб қўйилди ва улардан ўз вақтида фойдаланган хўжаликлар доғда қолмади.

Далалarda кутилганидан зиёда ҳосил бунёд этилди. Энди асосий мақсад машаққатли меҳнат ва катта ҳаражат билан етиширилган неъматни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, уюшқоқлик билан саронжомлаб олишида қолди. Туман ҳокимлигига ташкил этилган "пахта штаби" ҳосилни фермер хўжаликлари ишчилари, маҳаллаларнинг уюшмаган кўнгилли ахолиси иштирокида "отряд" усулида йиғиб-териб олиниши, теримчи ва ҳашарчиларга қулай меҳнат ва майший шароит яратиб берилишига алоҳида эътибор қаратди.

Бу йилги мавсумда туманимиз вилоятида биринчи бўлиб пахтани энг замонавий қудратли машиналарда териб олишига киришганига гувоҳ бўлдик. Пахтани машина теримига мос қилиб етиширилган кластер далаларида иккита, "Абдуллажон-2" фермер хўжалигига битта қудратли терим машиналари кучи билан умумий хирмонимизнинг қарийб 1000 тоннаси йиғишириб олинди. Америкада ишлаб чиқарилган "Жондер" ва "Кейс-III" агрегатларининг ҳар бири бир кунда урта ҳисобда 250-300 теримчи ишини уddaлаши,

қадрияти бўлган ҳашарда фаол иштирок этган чандаст теримчиларнинг хонадонларига шу иккى ойлик фурсатда 10 миллиондан 20 миллионгacha қўшимча даромад баробарида кут-барака кириб борди. Фермерлар, ҳомийлар кўрсатган ҳиммат туфайли улашилган мукофотлар уларни янада унумли меҳнатга рафтлантириб тургани рост.

Мен шу ўринда Давлатхон Юсупова етакчилигидаги туман ва маҳаллалардаги "Оқила аёллар" ҳарақати аъзоларига, Муқаддамхон Ўрмонова даъватига жавобан бутун мавсумда далани тарк этмаган маърифатпарвар онахонларимизга, умуман, дехқон меҳнатини қадрлаб, бойлигимизни увол қилмаслик учун белига этак бойлаб, меҳнат қилган барча ҳашарчи опа-сингилларимизга миннатдорлик билдираман.

Йиғим-терим мавсуми якунланиб бораётган шу кунларда бир ҳақиқатни айтмоқ мен учун ҳам қарз, ҳам фарзdir. Очик осмон остида, ёз-у қишининг чилласи демай меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Она замин шундай саҳоватлики, у ҳеч қачон ўзини тўйдирганди, тилини тушунгани марҳаматидан дариф тутмайди. Фидойилик, ташкилотчилик, меҳнат ахлига меҳрибонлик билан иш юритган фермер хўжаликларида ҳосилдорлик кутилганидан зиёда бўлди. Муҳаммадзокир Қодиров раҳбарлигидаги "Сайд Иброҳим ота" номли фермер хўжалигига туманимиз тарихида биринчи марта 25,4 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51,7 центнердан ҳосил йиғишириб олинди. Шунингдек, "Исмоилов Жўрабек саҳовати", "Султонбек файзли саҳовати", "Рустам Равшанов" номли фермер хўжаликларида хўжалик раҳбарлари Жўрабек Усмонов, Зухриддин Тоҳиматов, Равшанбек Ботировлар жамоани ер билан тиллашиб, диллашиб меҳнат қилишга сафарбар эта олганлар, йиғим-теримни уюшқоқликда ташкил эта билганлар.

қолдирмаслигининг намунаси булар. Чиндан ҳам меҳнат-машаққатнинг меваси ширин бўлади.

Нур борки, соя бўлади, деганларидай, ернинг умрини хабада қилган фермерлар ҳам йўқ эмаслиги мавсум якунидаги янада аён бўлиб қолди.

"Бахт Пахтакор-Гармдон", "Ж.Жаҳонов-Дўрмон" ММТП ҳудудидаги бир қатор фермер хўжаликлари контрактация шартномасини бажара олмадилар.

Раҳматжон Охунов раҳбарлик қилаётган "Файзли Муҳаммадазиз ери" фермер хўжалиги гектаридан бор-йўғи 14, 4 центнердан хирмон кўтариб, режани аранг 68,6 фоизга етказганига ачинмай бўладими?! "Маъруфжон барака файзи", "Расубек Абдулазиззода" номли, "Янгиарий қўстлик сари", "Сайд Амирхон файзли ери", "Сайд Акрам Мирзо" номли, "Яхши ният файз кўрки" фермер хўжаликларида ҳосилдорликка энг паст натижага кўрсатилди. Ерга эгалик қилмоқнинг масъулиятини ҳис қилмаслик, омилкорлик билан иш юритмаслик оқибатидир бу. Бугун айтиш қанчалар оғир бўлмасин, шартнома мажбуриятини бажаролмай, ер чизиб қолаётган ер эгаларига тегиши тартиб-тамойилга мувофиқ муносабат билдирилади, албатта.

Қўштепа далаларида ҳали ҳосил бор. Пахтанинг мисқоли ҳам пахта. Исрофа йўл қўймаслик, келгуси муваффақият ва омадга йўлдир. Ишончимиз комилки, далалардаги сўнгги мисқолларни йиғиб-териб олиб, келгуси мавсум учун юмушларга тараддуд кўраётган омилкорларнинг бундан буён ҳам эл-юрт олдида юзи ёруғ, иши баракали бўлаверади. Имкониятдан фойдаланиб, туманимизнинг ғолиб фермерлари, барча пахтакорларини, ҳиммати баланд ҳашарчиларини мавсумнинг улкан ютуғ билан табриклиман. Мустаҳкам саломатлик, файрат-шижоат, фидойилик ҳеч қачон Сизларни тарк этмасин! Хонадонларингиздан бара-хаир аримасин!

**Илёсбек НОВИКОВ,  
туман ҳокими.**

**Жараён**

## “МУҚАДДАСИМ, МУНАВVARIM, ОНА ТИЛИМ!”



Барча жойлардаги каби туманимизда ҳам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганинг 34 йиллиги байрами таълим муассасалари, меҳнат жамоатларида кўтарилини кайфиятда нишонланди. "Қийқи" маҳалласидаги маданият марказида "Муқаддасим, мунавварим, она тилим!" ғояси асосида уюстирилган тантана иштирокчиларда унтилмас таассурот қолдирди. Туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Аҳорбек Юнусов байрам иштирокчиларини табриклаб, ўзбек тили нуфузини кўтариши барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъқидлади. У ўзбек тилининг бир гуруҳ фидойи тарғиботчиларига туман ҳокимининг Ташакқурномаси ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Туман санъаткорларининг ўзбек тилига асос солган ажододларимиз тимсолидаги чиқишилари, мазмунли концерт дастури байрамга ўзгача руҳ бағишилади. Ёрқиной ҚОСИМОВА



Мамлакатимизда 25 октябрдан 1 декабргача муддат кузги ниҳол  
экиш мавсуми деб эълон қилинди

## ХОНАДОН, МАҲАЛЛА, МЕҲНАТХОНАЛАРИМИЗНИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Туман маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, хотин-қиз-  
лар ва ёшлар вакилларининг барча қўштепаликларга  
мурожаати

Давоми. Бошланиши 1-бетда.  
олам—табиатни онага менгза-  
майдилар. Онани қандай эъзо-  
зласак, табиатни хам шундай  
қадрлашни фарзандларимиз  
онгу шуурига чукур сингди-  
райлик! Токи, зурриётларимиз  
ота-боболаримиз сингари боғу  
бўстонлар бунёдкори, она таби-  
ат ҳимоячиси бўлсин! Шунда-  
гина келажак авлодимизга соф-  
ҳаво, гўзал табиатни безавол  
етказишига эришамиз.

Айни вақтда Сиз, азиз-  
ларнинг “Оналар – яшил  
макон учун” юясини  
илгари сурганингиз, у  
анъанага айланни бора-  
ётгани, маҳаллаларда  
“Оналар боги” ташкил  
етилаётгани қуонарли-  
дир. Бу ишларда маҳал-  
лалардаги “Оқила аёл-  
лар” ҳаракатининг ҳам  
мunoсиб ўрни борлигини  
ҳис қилиб турганингиза  
ишонамиз. Биз табиат-  
нинг ўзиdek жонкуяр ва  
жонсарак оналаримиз, опа-син-  
гилларимиздан ушбу хайрли  
тадбирнинг фаол иштирокчилари  
ва даъваткорлари бўлиб майдон-  
га чиқишлирага амминиз.

### ХУРМАТЛИ ДЕҲҚОН ВА ФЕР- МЕРЛАР, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ!

Ерга меҳр бериш, унинг  
ҳар бир қаричидан унумли  
фойдаланиш, кўчат экиб, боғ  
яратиша сизларнинг улушин-  
гиз катта. Қўштепамизда 38  
мингдан ортиқ хонадон мав-  
жуд. Бу савобли ишни давом  
эттириш учун ҳар бир хонадон  
эгаси ўз томорқасига, маҳалла  
гузари ва кўчасига 10 түпдан  
кўчат экса, туманимиз бўйича  
ўрта ҳисобда 380 мингдан зиёд  
дарахт бунёд бўлади. Бу ҳавони  
мусаффолаштириш баробарида,  
истемолимиз учун соф табиий  
мева-чева мўллигига мunoсиб  
ҳисса қўшмоқ деганидир.

Фермерларимиз “Бир дала –  
бир маҳсулот” тамоили асоси-  
да ўз худудига тут, ток, терак  
ва бошқа кўчатларни экса, ҳар  
бир қарич еримиз боғ-роғларга  
айланади.



биз нафас олаётган ҳавони то-  
залиди. Ток ва бошқа мевали  
кўчатлар экиб, парваришиласан-  
гиз, ҳузурини ўзингиз кўрасиз,  
даромад ҳам қиласиз. Шундай  
йўл туваётгандарга раҳмат.  
Лекин бебаҳо ернинг умрени  
бекор ўтказаётгандар ҳам йўқ  
эмас. Хайрли ишга пешвуз  
чиқиб, биринчи декабргача дав-  
ом эттаётган кузги кўчат экиш  
ойлигига фаол иштирок этинг.

### ҚАДРЛИ ЗИЁЛИЛАР!

Жонажон Ватанимиз тараққи-  
ётига ҳисса қўшадиган ташаб-  
бусларни кўллаб-кувватлашда  
сизларнинг фаол иштирокингиз  
муҳимдир. Сиз каби эл таниган  
ижод аҳлига, зиёлилар ҳамда  
спорт юлдузларига Қўштепа  
шёллари ўзгача ҳавас билан  
қарайди. Шундай экан, тумани-  
мизда амалга оширилаётган  
кузги дараҳт экиш мавсумида  
сизлардан аҳолини сафарбар-  
ликка чорлайдиган янги-янги  
ташаббуслар, амалий ҳаракат-  
лар ҳамда шахсий намуна кутиб  
қоламиз!

### АЗИЗ ЁШЛАР!

Исроилжон ИСМОИЛОВ,  
меҳнат фахрийси, туман  
ҳокимиининг қишлоқ ҳўжалик  
масалалари бўйича жамоат-  
чи маслаҳатчisi.  
Юсуфжон РОЗИҚОВ,  
фахрий муаллим  
Озодаҳон ТОШМАТОВА,  
фахрий шифокор.  
Давлатхон ЮСУПОВА,  
туман “Оқила аёллар”  
ҳаракати етакчиси.  
Абдумажид  
УМАРҚУЛОВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги-  
нинг туман  
бўйими раҳబари

Сизлар Янги Ўзбекистоннинг  
бунёдкор кучисиз! Ҳалқимиз  
кўзлаётган юксак марраларга  
эришиша ақл-заковатингиз,  
ғайрат-шилоатингиз, она  
Ватанга бўлган садоқатингиз  
бекиёсdir. Она заминимизга  
меҳр беринг! Нурли келажак  
учун бугундан бошлаб ўз хона-  
донингиз, кўчангиз, маҳаллан-  
гизга гул қаламчали, мевали  
ва манзарали ниҳол экинг,  
худудда “Ёшлар боги”ни  
ташкил этишида ташаббус  
кўрсатинг!

Асло унутманг, сиз Ўзбекистон  
фарзандисиз, Сизнинг ҳара-  
катингиз – бу ота-онангиз,  
маҳаллангиз, Қўштепамиз  
ва бутун ҳалқимизнинг фа-  
ровон эртаси, мусаффо ҳаво  
учун хизмат қиласи.

**ҚАДРЛИ ҚЎШТЕПАЛИКЛАР!**  
Бутун мамлакатимиз бўй-  
лаб давом эттаётган “Яшил  
макон” умуммиллий лойихаси-  
да фаол иштирок этайлик!

Дараҳт экиш ва уни парвари-  
шлаш, ўзимиз яшаётган маскан-  
ни яшил макон, боғу-бўстонга  
айлантиришдек хайрли ишга  
астойдил бел бойлайлик! Зоро,  
Сиз ва бизнинг бугун эккан  
ниҳолимиз ўзимизнинг эртанги  
кунимизга, фарзандларимиз-  
нинг экологик мусаффо кела-  
жагига бўлган ишончимизни  
мустаҳкамлайди.

Исроилжон ИСМОИЛОВ,  
меҳнат фахрийси, туман  
ҳокимиининг қишлоқ ҳўжалик  
масалалари бўйича жамоат-  
чи маслаҳатчisi.  
Юсуфжон РОЗИҚОВ,  
фахрий муаллим  
Озодаҳон ТОШМАТОВА,  
фахрий шифокор.  
Давлатхон ЮСУПОВА,  
туман “Оқила аёллар”  
ҳаракати етакчиси.  
Абдумажид  
УМАРҚУЛОВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги-  
нинг туман  
бўйими раҳబари

## Жараён



## ЯПОНИЯЛИК ҲАМКОРЛАР ТУМАНИМИЗДА

Япония ҳукуматининг “Кичик миёсли ижтимоий лойиха-  
ларга беғараз ёрдам дастури”да иштирок этган Иқболхон  
Махмудованинг лойихаси асосида 2015 йили 17-умумий  
ўрта таълим мактабига 106 минг 813 АҚШ доллари миқ-  
дорида грант ажратилган ва муассаса замонавии қиёфага  
киритилиб, энг сунгги русумдаги техника ва технологиялар  
билин жиҳозланган эди. Иқболхоннинг 13- ва 35-мактабгача  
таълим ташкилларини жиҳозлашга қаратилган лойихала-  
ри ҳам 2019 йили ва бу йил жами бўлиб 90 минг 458 минг  
АҚШ доллари хисобидан ажратилган грант асосида бугунги  
кун талаби даражасида жиҳозланиб, болажонлар учун қулай  
шароитлар яратиб берилди.



Ўтган ҳафтада дастур мутасаддилари Такита-Сато Таэ,  
Нана Маруяма хонимлар туманимида бўлиб, лойиха ижроси  
ва самараси билан танишдилар. Улар билан туман ҳокими  
Илёсбек Новиков ва лойиха муаллифи учрашиб, Япония  
хукумати ва бағрикенг ҳалқига таълимни ривожлантиришга  
берган беғараз ёрдам учун миннатдорлик билдирилар.

Матн ва суратлар муаллифи:  
Бахтиёржон  
РЎЗИОХУНОВ.

## Хуқуқшунос минбари

# KIMLAR O'QITUVCHILIKKA QABUL QILINADI?

Kimlar o'qituvchi bo'lib ishlashi mumkin va ularning qanday huquqlari mavjud?

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va Maktab ta'limi Vazirining 2023 yil 16 avgustidagi “Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi markaziy apparati, Qoraqalpog'iston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi, Toshkent shahar va viloyatlar maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmalari, tuman (shahar) bo'linmalari, vazirlik tizimidagi respublika tashkilotlari va muassasalarini hamda umumiyo'rta ta'lim maktabi (maktab-internat) xodimlari asosiy lavozimlarining malaka tafsiflarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'iga 4-ilova qismida umumiyo'rta ta'lim maktablari rahbar va hodimlarining malaka tasniflari keltirilgan va unga asosan:

maktabda boshlang'ich sinf o'qituvchisi bo'lib ishlash uchun talabgor boshlang'ich ta'lim ixtisosligi bo'yicha kamida o'rta maxsus pedagogik ma'lumot yoki kamida

bakalavr darajasidagi oliy ma'lumot va boshlang'ich ta'lim ixtisosligi bo'yicha dars berish huquqi bilan kasbiy qayta tayyorlov kursini tugatgan bo'lishi kerak.

Fan o'qituvchisi bo'lib ishlash uchun esa talabgor fan yo'nalişiga to'g'ri keluvchi kamida bakalavr darajasidagi oliy pedagogik ma'lumot yoki kamida bakalavr darajasidagi oliy ma'lumot va fan yo'nalişiga to'g'ri keluvchi dars berish huquqi bilan kasbiy qayta tayyorlov kursini tugatganligi yohud fan yo'nalişiga (xususiyatiga) to'g'ri keluvchi kamida bakalavr darajasidagi oliy ma'lumot va pedagogik faoliyat yuritish huquqi bilan qayta tayyorlov kursini tugatgan bo'lishi kerak.

Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan ixtisoslashtirilgan maktablar hamda maktab-internatlarning ixtisoslashtirilgan fan o'qituvchisi esa kamida 1-malaka toifaga ega bo'lishi kerak bo'ladi. Mutaxassislik (oliy pedagogik ma'lumotga egalik afzallik beradi.)

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005 yil 21 dekabrdagi “Xalq

ta'limi xodimlari mehnatiga haq to'lashning takomillashtirilgan tizimini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga 3-Ilova—xalq ta'limi xodimlari mehnatiga haq to'lash to'g'risida NIZOMning 8-bandida oliy ta'lim muassasasining kunduzgi, kechki, sirtqi ta'lim shakllarining pedagogika yo'nalişlarida o'qiyotgan shaxslar 3-kursdan boshlab o'qishiga xalaqit bermagan holda pedagoglik ishini amalga oshirish uchun umumta'lim muassasalarida asosiy ish joyi sifatida ishga qabul qilinishi mumkin va ularga o'rta maxsus, kasbiy ma'lumotga ega bo'lgan tegishli lavozimdagi xodimning bazaviy tarif stavkasi singari bazaviy tarif stavkasi belgilanadi, deyilgan.

Ushbu Nizomning 20-bandida o'qituvchilarning tarifikatsiya ro'yxatida asosan ularga bir yarim stavka miqdorigacha belgilangan dars soatlarining bir stavkadan ortiq bo'lgan qismi bo'sh ish o'rinnari sifatida qayd etilmasligi, 21-bandida esa pedagog xodimlarga qonunchilik hujjalari belgilangan ustamalar, shu jumladan mavjud sertifikatlari

uchun to'lanadigan ustamalar, tarifikatsiya ro'yxatida ajratilgan dars soatlariga (o'qituvchining tarif stavkasiga) mutanosib ravishda to'lab berilishi ko'rsatib o'tilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 19 maydag'i qaroriga asosan 2022/2023 o'quv yilidan boshlab, davlat ta'lim muassasalarining xorijiy tillar o'qituvchilarini lavozimlariga ishga yangi qabul qilinayotgan talabgor kamida B2 darajadagi milliy yoki unga tenglashtirilgan mos darajadagi xalqaro sertifikatga ega bo'lishi va 2024/2025 o'quv yiliga qadar umumiyo'rta, o'rta maxsus va professional ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan barcha xorijiy tillar o'qituvchilarini kamida huddi shu darajadagi milliy yoki unga tenglashtirilgan mos darajadagi xalqaro sertifikatga ega bo'lishi lozim.

G'olibjon MO'YDINOV,  
tuman adliya bo'limi  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti.

Расууллоҳ  
(с.а.в.)  
ҳадисларидан



Мусулмоннинг бошқа мусулмон устидаги ҳақи бештадир: саломига жавоб берши, чақириғига бориш, жанозасида иштирок этиши, касал бўлса, кўргани бориш, акса уриб ҳамд айтса, "ярҳамукаллоҳ" деб жавоб қайтариш.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан Ибн Можа ривояти.

\*\*\*

Беш нарса имондандир. Кимда ўшалардан бирортаси бўлмаса, имони йўқдир. 1) Аллоҳнинг амрига таслим бўлиши. 2) Аллоҳнинг қазою қадарига рози бўлиши. 3) Аллоҳга ишини топшириши. 4) Аллоҳга тавакkal қилиши. 5) Мусабатнинг аввалиги лажасида сабр этиши.

Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан Баззор ривояти.

\*\*\*

Умматимнинг яхшилари уламоларидир. Уламоларнинг яхшилари раҳмиларидир. Огоҳ бўлинг, Аллоҳ таоло жоҳилнинг битта гуноҳини кечиришдан олдин олимнинг қирқта гуноҳини кечиради. Огоҳ бўлинг! Раҳмидил олим қиёмат куни келадиган бўлса, юраётганида унинг нури машриқ билан мағриб оралиғида худди ёруғ юлдуз нури каби таралади.

Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан Кузоъий ривояти.

\*\*\*

Сизларнинг яхшиларингиз кўрганда Аллоҳни эслатадиган, гапирганда илмларингизни зиёда қиласидиган, амали сизларни оҳиратга рафбатлантирадиган кишидир.

Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан Ҳаким ривояти.

\*\*\*

Сизларнинг яхшиларингиз хулқи яхшиларингиздир.

Бухорий ва Муслим ривояти.

\*\*\*

Садақаларнинг яхшиси бойлик ортидан қилинганидир. Сен садақани қўл остингдагилардан бошли.

Бухорий ривояти.

\*\*\*

Инсонларнинг яхшиси узоқ умр кўриб, амали чиройли бўлганидир. Одамларнинг ёмони узоқ яшаб, амали ёмон бўлганидир.

Абу Бакра (розияллоҳу анху)дан Аҳмад ривояти.

"2002 ҳадис"дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
"Мунир" нашриёти.  
Тошкент-2022 йил.

# Saboq bekati

Ахли доини дейдиларки...

## ЭРКИН ЯШАЙДИГАН ОДАМ КИМ?

Инсон ўз бурчини бажарар экан, ўзи мажбуран қилаётган ишига муҳаббат билан қарайди.

И. ГЁТЕ

Масъулият ҳиссидан нур олмаган ҳаёт аслида ҳеч нарсага арзимаган бўлур эди.

С. СМАЙЛС

Ҳаётдаги энг зўр ҳузур-ҳаловат адо этилган бурчдан завқланишид.

У. ГЭЗЛИТТ

Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эрkin яшайди.

ЦИЦЕРОН

Бурчингни адо этишга ҳаракат қил, шунда дарҳол ўзингнинг кимлигингни билиб оласан.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Кичик бўлса ҳам ҳар куни бирон-бир бурчин адо этиш—ажойиб иш.

Э. ДЕЛАКРУА

Бурч ва номус йўлини ҳеч вақт тарк этманг, бу бизни баҳтга эриштирадиган ягона йўлдир.

Ж. БЮФФОН

Ўз бурчини сидқидилдан адо этишган одам ўз қувончи билан ўзини мукофотлайди ва бировларнинг мақтови, иззат-икроми, миннатдорчилигига ҳам зор бўлиб ўтирамайди.

Ж. ЛАБРЮЙЕР

Ҳар доим ўз бурчинизни адо этишга интилинг, шундай қилсангиз, муваффақиятсизликка учраган тақдирингизда ҳам инсоният сизни кечиради.

Т. ЖЕФФЕРСОН

"Тафаккур гулшани"дан.  
Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент-1989 йил.

Оз-оздан ўрганиб  
дено бўлур,  
Қатра-қатра ишилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙЙ.

ВАТАН МАНЗИЛЛАРИ



Билиб қўйган маъкул

## БЕҲИ

Сарик, тўқ сарик, баъзан қизғиши рангли, сувсиз, ширин, буриштирувчи таъмли, хушбуй ҳидди беҳи меваси фойдалилиги билан бошқа мевалардан ажраби туради. Нафакат меваси, баъли унинг барги, новдаси, уруғи ҳам турли касалликларга даводир.

Халқ табобатида ҳам беҳининг меваси, барги, новдаси ва уруғи ишлатилади. Уруғининг қайнатмаси мевъда ва ичак касалликларини даволашда фойдалидир. Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонлик, иҷбуруғ ва бавосил касалликларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ибн Сино беҳини ич кетишини даволашда ҳам ишлатган. Бундан ташқари, иштаха очувчи ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ичишини беморларга тавсия этган. Мева шарбати билан қон тупуриш, астма, юрак хасталиклари, гепатит, қорин ҳамда миядаги оғриклар, дизентерия хасталикларини, уруғ қайнатмаси ёрдамида эса ўлға ва юқори нафас йўллари касалликларини, мева дамламаси билан йўғон ичак яллигланишини даволаган.

Унинг умумий таркибида шиллиқ модда, қанд, пектин, ошловчи моддалар, органик кислоталар, эфир мойи, С витамины, темир, мис тузлари ва бўёқлар мавжуд.

Беҳи мевасидан тайёрланган қайнатма ҳамда димлаб пиширилган жигар, йўтал, кўкрак касалликларини бартараф этиши, овқат ҳазм бўлишини яхшилаш, кунгил айнишини тўхтатиш хусусиятига эгадир. Шу билан бирга уруғ қайнатмаси ич кетиш, баҳондондаги хасталикларнинг олдини олишида кўлланилади.

Барглари ва ёш новдаларидан қанд касаллиги ва қон босимини даволашда кенг фойдаланилади. Бунинг учун гуллаш даврида барглари ва ёш новдаларидан олиб, салқин ерда куритилади. 1-2 ош қошиқ барг ерда новданинг янчилган кукундан бир стакан сувга кўшилади. Сўнг паст оловда 15 дақиқа қайнатиб, совитилгач, докадан ўтказиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Беҳидан мураббо тайёрлаш учун етилиб пишган мевасини уруғидан ажратиб олиб, майдо қилиб тўғралади. Идишга сув солиб, беҳи уруғи таъбга кўра шакар солинган ҳолда қайнатилади. Сўнг ушбу суюклика тўғралган беҳини солиб, ўртча оловда 30 дақиқа қайнатилади. Тайёрланётган мураббо хуштам бўлиши учун битта лимон пўчори майдо тўғралади.

"Хидоят" журналидан.

E'lon!

Qo'shtera tumani Uchuydag'i 12-xo'jalikda joylashgan «Mirzaev Haqiq terakori» fermor xo'jaligi (INN:300204876)ning dumaloq muhri va to'rtburchakli tamg'asi yo'g'dolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Нашр кўрсаткичи:  
64875

Буюртма № 671

Топшириш вақти 18.00

Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Хадиҷаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253



Бош мұхаррір:  
Умидахон ХУДОИБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2007  
йил 9 январда 12-012 рақами билан рўйхатта  
олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
15111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобурномли маҳалла,  
Соҳибкор кўчаси, 4-йй.  
Телефон ва факс:  
мұхаррір (55) 801-17-54

Газета  
таҳририятнинг  
компьютерида  
терилди ва  
саҳифаланди.  
Дизайнер:  
Муҳаммадамир ЮСУПОВ

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмахонасида 3003  
нусхада чоп этилди.  
Бахоси келишилган нархда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркестон кўчаси,  
236 «Б» уй.

ИМАССИС:  
ҚўШТЕПА ТУМАНИ  
ХОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИ  
ЯТ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ